



ЎЗБЕКИСТОН

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

ОВОЗИ


Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 3 февраль, чоршанба

№ 24. (21.378)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Эрон Ислам Ҳужумчари ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий раҳбарлигидаги Эрон Ислам Ҳужумчари делегациясини қабул қилди.

Учрашув чоғида Президент Ислам Каримов ўтган


йилнинг ноябрь ойида Эронда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратадиган муҳим ҳужжатлар имзолаганини қайд этди. Бу ҳужжатларни амалга татиб, этиш муҳимлигини таъкидлар экан, айниқса, темир йўл, автомобиль йўли қурилиши ҳамда ҳаво йўллари очилишини тезлаштириш азал-

дан тарихи ва маданияти муштарак халқларимизнинг дўстона иқтисодий муносабатларини амалий изга кўчиришда бетакор ўрин тутишини ўқитди.

Эрон Ислам Ҳужумчари ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқларимиз ўртасидаги алоқаларини ривожлантириш борасидаги та-

шаббусларини юксак баҳолаб, бу эзу интилиш Эрон томонидан қўллаб-қувватлаётганини маълум қилди. Самимий ва ишчаллик руҳида ўтган мулоқот чоғида Эрон Ислам Ҳужумчари ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқларимиз ўртасидаги алоқаларини ривожлантириш борасидаги та-

Суратда: қабул пайти.



САМИМИЙ СУҲБАТ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари халқаро тараф-

қийет агентлигининг Урта Осиё бўйича регионал директори Крейг Бакни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон

ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида техника ҳамкорлигининг мавжуд ва тақдир этилаётган дастурлари хусусида сўз борди.

Суратда: суҳбат пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

С. С. САФОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сафоев Солиқович Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинландисин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 февраль.

Ўзбекистон овози» нинг 75 йиллигига

ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МЕНИНГ

КОНКУРСИГА



Абдусаттор ТУРАЕВ.

АЁЛ, ОНА, ИШЧИ

Одамлар қадим-қадимдан аёл деганда биринчи навбатда болаларини оқ юниб, оқ тарайдиган уй бекасини кўз олдидан келтирадилар. Бироқ, уша кўнча мозийда ҳам халқимиз орасидан эл учун, Ватан учун фидокорлик қўрсатган аёллар анчагина. Хўш, улар орасидан кимнинг номини алоҳида таъкидласан экан? Босқинчиларга қарши мардона курашган Тўмарсини ёки исёнкор шоирлар Увайсий, Нодира, Анбар отин ва бошқаларини? Улар ҳақиқий фидокорлар эди.

риш, водопроводлаштириш жадал олиб бориляпти. Аёлларнинг турмуши енгиллашапти, Шу боис мамлакатимизда аёлнинг ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кескин камайди. Демак, ўзбек аёли кўнча ҳам истиқлол шамоли теги.

ҚИШЛОВ—ЧЎПОНГА СИНОВ

Бу йилги қиш чорвадорлар учун осон бўлмапти. Симоб устун 27—28 даражага тушиб кетди. Қизилқум ичкисидан барханларда 30 даража, ҳатто бундан ҳам кучли совуқ бўлиб турибди. Биз Қорақалпоғистон Республикаси қоракўлчилик бирлашмаси бош директори Сандвоққос УТАБОВдан чорва қишлоқининг қандай ўтаётганини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

Чорва қишлоқини яхши ўтказиш мақсадида фермаларга, отарларга 500 дан кўпроқ қўшича ишчи кучи акратилди. Чўпонлар ва чорвачиликда ишлаётган одамларни озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош билан таъминлашнинг барча тadbирлари амалга оширилмоқда. Бирлашма хўжалиқларидаги 182 та бостирма ва қўраларнинг тенг ярми жорий ремонтдан чиқарилди. Қурилиш материаллари етишмаслиги, маблаг камлиги оқибатида кўпчилик қўралар, бостирмалар ремонт қилинмади. Қишда қўраларни ҳам, чорвадорларни ҳам сув билан таъминлаш осон бўлмапти. «Аралсельхозводопроводстрой» бирлашмаси бўлималари 19 та қудуқдан 11 таёни қазиб сув чи-

ИШЧИ МАОШИ—10 МИНГ СЎМ

Ойим қишлоғида ип йигирув-тўкув, паррандачилик фабрикалари, тикувчилик, ғишт қўйиш, оҳак пиширчиш, асфальт тайёрлаш, тош майдалаш, консерва ва томат ишлаб чиқариш кичик корхоналари мавжуд.

БУТУНГИ СОНДА:

- 1-БЕТ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов умумжаҳон анжуманида қатнашди.
- 2-БЕТ: Дастурий китоб — олимлар муҳокамасида Танишинг: Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти кенгашининг янги биринчи котиби Шер Ғиёсов. «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан: Сўз — газета фаоллигига
- 3-БЕТ: «Номинг ўқисин, уруш»: Ўзбекистонлик 34 минг жангчининг қабрини излаб топган ёзувчи изтироблари «Кўёш йўли Осиёдан бошланади ёки жаноб А. Соколянскийга жавоб» «Темур тузуклари» (давоми)
- 4-БЕТ: Тож даъвогари: Найзел Шорт «Ўзбекистон овози» жарчиномаси.

ДАВОСДАГИ УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИ

Маълумки, Швейцариянинг пуанжор Альп тоғлари бағрида жойлашган Давос шаҳрида ҳар йили жаҳон иқтисодий анжумани ўтказилади. Унда машҳур сийosatдонлар — давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари, таъкид иқтисодчи олимлар ва жаҳон таълим-шунослар иштирок этадилар.

Осиёдаги муштарак давлатларнинг бозор иқтисодиётига талафотларсиз ўтиши учун минтақавий ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини ва бу давлатларнинг Туркистон ўлкаларига ёрдам беришга тайёр эканини билдирдилар. Покистон бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф минтақа мамлакатлари билан Марказий Осиёдаги давлатларнинг тарих тақозоси тўғрисида узилиб қолган айнавий алоқаларини қайта тиклаш ва уларни такомиллаштириш бу ўлкаларнинг равақига асос яратди, дейди. Эрон Ислам Ҳужумчари ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Марказий банкнинг бошқарувчиси Муҳаммад Хусейн Одилий минтақада кўп-қилма ҳамкорлик алоқаларининг мавжудга келиши икки томонлама алоқалар билан уйғунлашиб кетиши фойдалидир, деб алоҳида таъкидлади. Покистон, Туркия ва Эрон вакиллари Марказий Осиё давлатларининг илқ денгизларга чиқishi ва Европа билан қишлоқ савдо соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини қайта-қайта маълум қилдилар.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ушбу жаҳон иқтисодий анжуманида иккинчи марта иштирок этди ва муштарак Ўзбекистоннинг, шунингдек Марказий Осиё давлатларининг жаҳон сийсоти ва иқтисодий майдонига чиқishi йўллари хусусида аниқ раҳбарлар ва иқтисодчилар билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Америка Қўшма Штатларининг яна ўзи жаҳон иқтисодий майдонига чиқishi йўллари хусусида аниқ раҳбарлар ва иқтисодчилар билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ушбу жаҳон иқтисодий анжуманида иккинчи марта иштирок этди ва муштарак Ўзбекистоннинг, шунингдек Марказий Осиё давлатларининг жаҳон сийсоти ва иқтисодий майдонига чиқishi йўллари хусусида аниқ раҳбарлар ва иқтисодчилар билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Кўриб турибдики, Давос шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон анжуманида икки муҳим нарса алоҳида қайд этилди: биринчидан, жаҳон иқтисодий майдонига мафкуравий қобилият чикши жараёни изил давом этмоқда, иккинчидан, ривожланиш даражасидан қатъи назар, ҳар бир давлатнинг хавфсизлиги ва иқтисодийнинг муътадиллиги умумжаҳон жараёнидан четда қилиб кетмаслиги керак. Минтақавий иқтисодийнинг жаҳон иқтисодий майдонига етакчи мавқега эга бўлиб бораётгани тўғрисида Марказий Осиё давлатлари ва Жануби-ғарбий Осиё мамлакатлари билан қизғин ҳамкорлик қилишга интилаётгани умуминсоний жараёнда фаол иштирок этаётганимиздан далолат беради.

(ЎзА).

Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов 1 февраль куни Тошкентга қайтиб келди.

Шер ФИЁСОВ:

ХАЛҚ — ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ

— Шер Сайфиддинович, аввалда, Сизни рўзномага ижодкорлари номидан саркофиликка сайлаганингизга муносабати билан таърирлайман. Биз билан ҳамкорликда ишлайсиз, деган умидданман.



— Табрик учун раҳмат. Қолаверса, мен ҳам шу фикрданман.

— Сиз узоқ йил компартия идораларида ишлаганингиз: район партия кўмитасининг биринчи котиби, вилоят партия кўмитасининг ташкилий бўлими муdiri, вилоят партия тафтиш комиссиясининг раиси... Одамларда «Ғиёс эски партия мактаби мероси билан нима ҳам янгилик қиларди?» деган гумон пайдо бўлмадики?

— Барибир асосий вазифа... Фикринингизни тушунди Хозирги шартларда биз асосий вазифамизни вилоят ҳокимиятига иқтисодий, ижтимоий аҳолини барқарорлаштиришда қўмаклашишдан иборат, деб биламиз. Яқин кунларда таъсиялар ишлаб чиқиб, ҳокимиятга тақдим этмоқчимиз. Албатта мустақилликка тўғра нам бўлган кўсулларга ҳам ўз муносабатимизни билдирамиз.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ БИРИНЧИ КОТИБЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

Хар қандай партия ҳам, номи қандай бўлишидан қатъи назар, халққа хизмат қилиши, халқ билан ишлаши зарур. Дарвоқе, партиянинг омураи унга халқнинг муносабати билан ўлчанади. Шу боис биз кўпроқ одамлар ичиде бўлишимиз керак. Тую-маъракаларда доимо халқ билан бирга бўлиш зарур. Маънавий турмушда кундан-кун сезилиб қолаётган бўлишнинг тўқирини, халқ демократик партиясининг долзарб вазифаси деб биламиз. Депутатларнинг аъзолари жами депутатларнинг 70 фоизини ташкил этади. Биз ўшалар орқали ҳокимиятда турмушамизни янада яхшилаш чораларини кўрамиз.

— Бугунги кунда партиянинг молиявий аҳоли кўчилигини қизқитириш турган га... — Уэмизни ҳам. Сон жихатдан республикада энг катта ташкилотимиз. 34,5 минг нафар аъзоимиз бор. Умуман биз партия аъзолари сонини кўпайтириш кети. дан қўмаслигимиз керак. Онгли аъзоларинга сиёсий уюшмаимиз омураи кўтар оладилар. Минг нафардан зиёд нафаҳхўрлар ва нам

— Хозирги шартларда Халқ демократик партияси аъзолари учун қайси фаизлатлар зарур деб ҳисоблайсиз? — Эътиқод, дадиллик, ишонч ва масъулият. Менимча, ҳаммани маънавий қоллига солиш шарт эмас. Ҳаракатларимиз Низом ва Дастуриимиз доирасидан чиқмас бўлган.

— Сўхбатдош Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. — Шер Сайфиддинович, 1946 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Тошкент политехника олийгоҳи ва Илтифоти фанлар академиясини битирган. Сўнг кўсомон ва партия идораларида фаолият кўрсатди. 1992 йилдан эътиборан ҒаХДП Самарқанд вилоят кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлади. Яқинда кенгашнинг биринчи котибига сайланди. Онгли Икки нафар фарзанди бор. Коммунал уйда яшайди.

даромадли партия аъзоларини аъзолик бадаи тулашдан озод қилганми.

Партия ташкилотлари шариот тақозоси билан молиявий аҳолиларни мустақил равишда яхшиламоқдалар. Масалан, Нарпай район кенгаши барча корхона, хўжаликлар билан шартнома тузган. Кенгаш аъзолари муҳнат жамоаларида тарғибот ташвиқот ишлари олиб бордилар ва аэвизга молиявий ёрдамга эга бўладилар. Ургут, Каттақўрғон районларида ҳам шундай йўл тутиляпти. Пайриқанда эса ишбилармонлик билан шуғулланиляпти. Бу ерда район партия кенгаши қошида кичик корхона ишлаб турибди.

Булдунгур, Ғўзалкент, Жомбой район кенгашлари эса ижарага ер олиб, деҳқончиликдан даромад олмақдалар. Биз бундай ишбилармонликни янада кўчол ёдирмоқчимиз.

— Назаримда, партиянинг энг катта буйлиги у туғилган таърирлар ҳисобланади...

— Жуда тўғри айтдингиз. Утган бир йил ташкилий ва тилишди даври бўлди. Миялий қадриятларга қайта жон бағишлашга ҳисса қўлиши, менимча, халқ турмушига кириб боришининг биринчи қадамидир. Бунинг учун мақолаларда 221 та бошланғич партия ташкилотлари тузганми. Бундан ташқари С. Солиқбоев, Т. Рақибов, Д. Носирова, С. Орипов, А. Наранкулов каби партия ветеранлари учрашулариде ўз ҳаётий таърирларини ишга солмақдалар.

Вазиятга қараб баҳо берадиган бўлсан, одамларнинг кўчилиги бизнинг партия олиб бораётган сиёсий йўлга қўллаб-қувватламоқда. Иккинчи буюрини жойларда ўтаётган кўчма мажлислари бунинг исботи бўлиб турибди. Юқориде айтганимдай, номи, Дастури турлика бўлишдан қатъи назар, барча партиялар ўз фаолиятининг асосини халқ билан ишлаш деб билади. Шундай экан, фаолиятимизга вақт ўтиши билан халқ баҳо беради. Чунки энг одил Ҳақам халқнинг ўзидир.

— Шерон ака, гарчи эриш туғилса-де, овланг аҳолининг ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.


— Турмуш ўртоғим шифокор. Ғўлим ва қизим — талаба. Бундай ўйлаб қарасам, етти жойга кўчиб, ишлаб, бошқалар қатори ҳовли ҳам қўрмабман. Ҳозир онам билан бирга давлатнинг тўрт хонали уйда яшайми. Турмушдан нолимайман.

— Хозирги шариотда Халқ демократик партияси аъзолари учун қайси фаизлатлар зарур деб ҳисоблайсиз?

— Эътиқод, дадиллик, ишонч ва масъулият. Менимча, ҳаммани маънавий қоллига солиш шарт эмас. Ҳаракатларимиз Низом ва Дастуриимиз доирасидан чиқмас бўлган.

— Сўхбатдош Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент автомобиль транспорт ва йўллар инсти-туту профессор-ўқитувчилари иштирокида 27—30 январь кунлари Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби юзасидан илмий-амалий ва китобхона ажиуани бўлиб ўтди. Бунда қўллаб маърузалар тингланги ва муҳокама қилинди, етук олимлар, мутахассислар фикр алмашишти.



И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

АНЖУМАН иштирокчилари ушбу китобда Ўзбекистон тарихида биринчи марта республиканинг мустақиллигига эришиш йўли ва тараққиёт истиқбол хамда бу шарафли ишдан вазиёлар Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маданий жиҳатдан теран ва ҳар томонлама муаммалар тадиқ этилганлигини зўр қониқиб билан қайт этдилар. Китобда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш асослари ва омиллари тўғрисида сўз юритилиб, фуқаролар оёсийиштиги, миллатлар аро бирдамлик, халқимиз фаровонлиги Президент

диққат марказиделиги сезилиб турибди. Чунки философия ва маънавий мушоҳадага эга бўлган ушбу асарда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривож-

лантириш тадирлари ҳам белгилаб берилган. Биз одий мактаб ходимлари ушбу рисолада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш, жаҳон андозаси даражасидаги илм-фан тараққиёт учун шарт-шариот яратиш, халқро иқтисодий, илмий-техника ҳамкорлигига эришиш, чет эл олий таълим тизимлари ўқув муассалари илмий марказлари, олимлари билан бевосита боғлианиш хамда алоқаларини янада тақомиллаштириш учун таянч нуқтасини топдик.

Олий мактаб тараққиётини да янги таълим тизимининг да автомобиль транспорт, автомобиль саноати, йўл хўжалиги тараққиётининг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрнини ҳисобга олиб бу соҳаларни ҳам ривожлантириш учун кўрсатаётган гаҳхўрликни таъкидлаган ҳолда ушбу тармоқларини ривожлантиришнинг илмий асослари, омиллари ва йўллари тўғрисида фикр ва мулоҳаза юритдилар. Шунингдек, ўз касбининг мукамал биланган, кенг салоҳият ва мушоҳадага эга бўлган мутахассислар тайёрлаш учун олий таълимнинг янги таркиби вуқудга келатгани, ёшларнинг ақл-заковат имконият-

ларини оширишга қаратилган тадирлари, улуқсиз таълим тизимлари ҳақида қимматли тақлифлар баён этилди. Илмий-амалий республикамизнинг жаъият тараққиётини да янги синалмаган мустақилликка эришиш усули, унинг ривожланиши ва истиқболнинг белангор йўлини илмий-амалий жиҳатдан кўрсатиб берган ушбу китоб кўп вақт халқимиз ва мутафаккир аждодаларимиз томонидан яратил-

ган маънавий хазинамиз дурдоналаридан бирига айланиб қолади. Мамлакатимиз мустақиллиги, уни мустаҳкамлаш учун қурашда келиб чиқадиган муаммоларини ҳал этишда ушбу асарнинг ўрни салмоқлидир. Президентимиз шакллантирган мустақил давлатнинг тақдири ва ички сиёсатини институт жамоаси ва талабалар диққат билан ўрганимоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Ўзбекистон жаҳонга танилиди, қўллаб халқро ташкилотларнинг тула ҳуқуқли аъзоси бўлди. Халқимизнинг ижтимоий ҳи-моясси, оёсийиштиги кўз

қорачиғиде сақланмоқда. Халқнинг назарига тушган етук йўлбошчи, чин ишон сифатида истиқлол йўлида фидоилик, жасорат ва маҳорат кўрсатаётган Президентимизнинг хайри ишлари ва ушбу асар мамлакатимиз, миллатимиз тарихида олтин харфлар билан ёзилиб қолади.

Ушбу китоб Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётининг мураккаб, лекин ойдин ва порлоқ йўлини қўқур таҳлил қилиб бериш билан бирга, ҳар бир фуқаро, жамоа, олим-талаба олдида шу борада муқаддас вазифалар кўйгандир.

Мурнааб ижтимоий-иқтисодий шариотда мустақил давлатини бошқаришда Президентимиз фаолиятини омад тилаш билан бирга биз, китобхоналар Ислам Каримовдан сиёсий арбоб сифатида истиқлол тақрирлари, таъши ва ички сиёсат истиқбол ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон миёнасига чиниш йўллари унинг ҳақидаки халқро ўрни ҳақида асарлар кутамиз.

Ушбу китоб эса барча олимлар, олий мактаб ходимлари, талаба ёшлар — ҳамма ҳамманинг истиқлол ва истиқбол сари фаолиятини да йўлчи юлдуз бўлиб қолади.

Жаббор ҒўЗИЕВ, Тошкент автомобиль транспорт ва йўллар инсти-тутининг мураккаб алоқалар буйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Россия транспорт академиясининг мухбир аъзоси.

МАЪНАВИЙ ХАЗИНАМИЗ ДУРДОНАСИ

ШАРТНОМА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бозор иқтисодиёти қизғин паллага кирган шу кунларде жумҳуриятимиздаги ҳар бир корхона ўз маъсулотини имкони борича тазоқ сотишга ҳаракат қилади. Бунда албатта маъсулот сифати эътиборда бўлади. Шу жиҳатдан олганда Фаргона пойабзал фабрикаси ишчилари чиқарётган маъсулотлар ҳаридорлигини билан ажралиб туради. Шу боис 70 дан зиёд савдо корхоналари фабрика билан шартнома тузишган.

«Фаргона» белгиси қўйилган маъсулотлар республикамиз аҳолисига манзур бўлаётир. Шу йилнинг ўзида 100

мингдан зиёд эркаклар оёқ кийимлари тайёрланади. Хотин-қизлар ва болалар учун ҳам чиройли пойабзаллар ишлаб чиқариш мўлжалланаётир. Умуман 1993 йилда 5 миллион 273 минг жуфт пойабзал тайёрлаш кўзда тутилган.

Корхона меҳнаткашлари бундай ютуқларга бежиз эришаётганлари йўқ. Маъмурият улар ҳақида доимий гаҳхўрлик кўрсатмоқда. Дам олмиш уларни, профилаторлар, санитарийлар ишчи хизматлари, Касаба уюшмаси одамларга гаҳхўрликни кучайтираётир. Яқинда бу ерда фирма дўкони очилди. Корхона ишчилари ўз она

аъзолари учун фабрика маъсулотларини дўконлардагидан 30-40 фоиз арзонроқ нархда сотиб оладилар. Яқин келажикда бу дўкonda озиқ-овқат маъсулотлари, қишлоқ хўжалик маъсулотлари ҳам сотилади.

Суратларда: 1. Тикувчи — тайёрлов лехи мастери Людмила Жабборова (чапда) ва тикувчи Халима Алимова янги маъсулот турларининг сифатини кўздан кечиршишмоқда. 2. Фабриканинг фирма дўконида. 3. Фаргона пойабзал фабрикасининг умумий кўриниши.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар (ҒзаА).



АКС-САДО

«Ўзбекистон овози» 1992 йил 30 июль

«АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМНИ СИЗ ҚЎЙИҢГ, МУШТАРИЙ!»



Ярим йил бўляпти, газетамиз саҳифаларида Ўзбекистонда чиқадиған янги автомобиллар номи хусусида баҳс борапти. Хар ким ўз фикрини, тақлифини ўртага қўймоқда. Асака машиналари номи ҳақида билдирилатган мулоҳазалар турлича экан диққатга сазовор, албатта. Улардан айриларини ҳавола этишми.

Қадим-қадимда ҳам карвонлар бўлган. У карвонларни сарбозлар бошқарган. Шунга кўра, Асаканинг енгил машиналарига «Сарбон» ва юк автомобилларига «Карвон» номини берас. Шунда ўтмишни унутмаган бўларди.

Сурайё ЭШОНХУЖАЕВА, Тошкент

Илк енгил автомобилимиз номи «Хумо» бўлсин. Автомобилимиз бахт куши — Хумо каби бизни ўз қанотларида бахт-саодат сари олиб учаверсин, дейман.

Мухтор ИКРОМОВ, Бухоро вилояти.

Қадриятларимиз ўзимизга қайтмоқда. Наврўз байрамимиз ҳам ишониландиган бўлиб қолганига минг шукр.

Асакада чиқадиған автомобильларга ном беришда тақлиф қилинган номларини тақорлаш ҳоллари учрамоқда. Бухоролик Р. Ҳабибов, хоразмлик С. Сотимов, сирдарёлик С. Мирзаев, самарқандлик Ш. Ашуров, Б. Сапаев, сурхондарёлик Ю. Хидиров, А. Абдуллаев, М. Жураев, жиззахлик А. Мисиров, О. Достонова, О. Нуралиев, Р. Абдурахмонов, фарғоналик Ш. Меҳмоннов, М. Эрматов, Т. Қосимов, М. Тошқужаев, Ю. Холбеков, И. Файзуев, С. Исомиддинов, Ҳ. Раҳмонов хатлариде машинага «Асака», «Андижон» номларини бериш таъкидланади.

Яна бир қатор мактублар, масалан, андижонлик О. Холматов, А. Маннонов, А. Маматжонов, С. Бақиров, С. Обидинов, А. Тошмагов, О. Холматов, қашқадарёлик И. Эшатов, Х. Абдраев, А. Ашуров, Х. Сафаров, О. Шерматов, Я. Эгамбердиев, И. Мамаррахимов, Ҳ. Эрғашев, Ғ. Пулатов ва бошқалар эса газета саҳифаларида аввал айтилган номларини қайта тасвია этишляпти.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи машинаси номи қилса, чунки мазмули ва миллий еувриниш уфурби турадиган жарангдор бўлиши керак. Шундай эмасми?

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

ҚАЛАМНИНГ ҚУДРАТИ

Хурматли таҳрир ҳайъати! Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти менга ушбу мактубни ёзишни топширди. Сирасини айтганда, бу менинг редакцияга қилган иккинчи мурожаатим.

ГАЗЕТАГА РАҲМАТ ДЕЙМАН...

ган газетанинг Бухоро вилоятидаги ўз мухбири Н. Намов кўчма механизациялашган колоннаимиз меҳнат жамоаси билан вилоят қишлоқ хўжалигини таъмирлаш ва таъмирлаш бирлашмаси раҳбарияти ўртасидаги низо сабабларини чуқур ўрганди. Газетада ўтган йили 17 сентябрда эълон қилинган «Ижара кимга ёқмапти?» мақоласида масаланинг моҳияти тула очиб берилди.

Мен 1941 йилдан бошлаб аввал қолхозчи, кейинчалик бригада таълиқчи бўлиб ишлаб юрдим. 1964 йилда «Рассвет» совхозида мағазинда ишлаётганимда хўжалик тиловой мағазини кўришни халқ талаб қилди. Совхознинг янги директори Виктор Яковлевич Фатин билан гаплагили халқ талаби буйича Самарқанд обком котиби Усмонов айтган эдик. У киши дарҳол кириш тиловой мағазини қўқуриб берди. Мен нима бўлдиму II гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Ишлаб юрган одам бекор туролмас экан. 1972 йил Бахмал район «Галаба байроғи» газетасига жамоатчи мухбирлик қилдим. Мақолам тез-тез газетада еригилиб борди. 1976 йил «Низзах ҳақиқати»га жамоатчи мухбир сифатида олишди. У ерда мақолам тез-тез газетада эълон қилиниб борди. Ўз ишимдан қонимай 1977 йил ишчи-деҳқон мухбирлари университетига кириб, уни муваффақиятли тугатдим. 1979 йил мени «Низзах ҳақиқати» газетаси республика журналистлари съезиде жунапти. Шунда «Совет Ўзбекистони» газетаси мухбирлар постига аъзо бўлдим. Тошкентдан яхши таассурот олиб қайтдим. Мен мухбир сифатида халққа хизмат қилишга қатъий аҳд қилдим. Қўйида матбуот кучи билан амалга оширилган ишлардан мисоллар келтирмоқчиман.

1. Ошхона, чойхона, гўшт дўкони, сартарошхона очилди.

2. Музбел қишлоғида артезиан қудуқ қавланди.

3. Барлоқ қишлоғида артезиан қудуқ қавланиб ишга туширилди.

4. Барлоқ қишлоқ оралиғидаги 8 километрни йўл ремонт қилинди.

5. «Рассвет» совхозида клуб қурилди ва ремонт қилинди.

6. «Барлоқ-Ғўмет» йўналишида автобус маршрути очилди.

7. Касалларни ташихи 2 та «Тез ёрдам» машинаси олиб берилди.

8. «Партия XIII съезди» хўжалиғида жойлашган қасалхонага битта машина олиб берилди.

9. «Рассвет» совхозида жойлашган амбулаторияга битта кичик машина берилди.

10. Шу амбулаторияга маъкали врачлар жалб қилинди.

11. «Рассвет» совхоз омаказида дорихона очилди.

12. Халқ талаби буйича «Рассвет» — Булдунгур» йўналишида автобуслар қатнай бошладилар.

13. Яна бир автобус «Рассвет» — Самарқанд» йўналишида қатнайди.

РЕДАКЦИЯДАН: Қани энди газеталар агрофида уюшган фаолиятининг барчаси эл-юртга ана шундай наф келтирс...

14. Электр чироқлари ўчаверар эди, бунга барҳам берилди.

15. Аҳолига суюлтирилган газ баллонлари келтирилди.

16. Почта хизмати яхши йўлга қўйилди.

17. Октябрь ойидан бошлаб тегирином кунралиди.

18. Барлоқ ва Музбел қишлоқларида масжид қурилди.

19. 1986 йил қишлоқда майда ўтирилди қўпайганлиги учун Бахмал райони ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник Соат Яхёев билан гаплагили «Барлоқ» оралиғидан ўтаётган йўлда милиционер посты очилди. Бу ерда бир кеча-кундузда 4—5 миллионер навбатчилик қилиди.

20. 1992 йил 30 ноябрь «Рассвет» совхоз бурдоқчилик базасидан 2 бош қўчқари олиб чиқиб Самарқанд келган одамларга бераётган бош остихонанинг ёрдамчиси ушланди, тергов қилинаётир.

Мен мухбир сифатида ҳақиқат тантанаси учун курашишимда Бахмал район икрия кўмитасининг собиқ раиси Абдусамат Наримов, Барлоқ қишлоқ кенгаши раиси Маҳмуд Болтаев, «Рассвет» совхоз партия ташкилоти котиби Қишма-тулла Габиббековларнинг ёрдамларидан чексиз миннатдорман.

Қўлимда қаламим билан то умрим охиригача халқ хизматида бўлиш — менинг ҳаётий шориим.

Абдусаттор АЛПОМИШЕВ, Жиззах вилояти Бахмал районидеги Барлоқ қишлоғи.



Владимир ПАНОВ.

Чорраҳада ўзаро ёрдам.

● ШАХМАТ

ШОРТ ТОЖДОРГА РЎПАРА БЎЛАДИ

Кейинги йилларнинг энг Испанияда кенгайилганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса Линарес шаҳри унинг маркази бўлиб қолди. Бинобарин шахмат тоғига талабдорларнинг ақунловчи баҳси ҳам худди шу ерда давом этганлиги бежиз эмас.

Голландиялик 42 ёшли Ян Тимман билан 26 ёшли англиялик гроссмейстер Найжел Шорт ўзаро баҳсга киришмасдан олдинроқ жаҳон матбуоти турли-туман фикр-мулоҳазаларни эълон қилганидан хабарингиз бор, албатта. Чунинчи, шатранж оламининг фармонбардори Гарри Каспаров голландиялик ҳақида анчагина илтифат билан гапирган бўлса-да, аслида айроқ англияликча хайрихоҳлик билдириб келди.

Шиддатли кураш жараёнида гоҳ у-гоҳ бу томон устун бўлиб турди. Матчининг ярмига яқин ясаган еттинчи партия Тимманнынги ғалабаси билан тугагач, ҳисоб тенглашиб қолди — 3,5: 3,5. Низоомга кўра 14 ўйинда 7,5 ёки 8 очко олган гроссмейстер шу йил ёзда Г. Каспаров билан чемпионлик учун яқма-яқма кўч синашди. Учрашувнинг иккинчи ярмини ўз фойдасига (7,5:5,5) ҳал қилган Н.



Шорт тождорга рўпара бўлишига эришди.

Ҳозирча Испаниянинг Барселона, Германиянинг Берлин, Индонезиянинг Жакарта... шаҳарлари бунга талабдор бўлиб турибди. Каспаровга қолса Барселонада ўйнамоқчи. Бироқ ҳар бирининг розилиги керак. Мукофот учун тўрт миллиондан ортиқроқ доллар акратилганлиги аниқ.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИНИНГ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Азиз муштарийлар! Сизларнинг ёрдамингиз тўғрисида 1993 йил обунаси журналимиз учун муваффақиятлик ақунлади. Иқтисодий таълимга қарамай обуначиларимиз сонинг 1992 йилдаги га нисбатан қарийб икки ярим баравар кўпайди. Бунинг учун Сиз — азиз муштарийлардан бениҳоят миннатдоримиз, бундан кейин ҳам хизматингизга доим тайёримиз.

Аммо, уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деган гап бор. Нарх-навонинг бекдорлиги, қороз нархнинг ой сайин ошиб бораётганлиги, босмахона транспорт, алоқа хизматларига, янароқ олинадиган биналарга, газ, электр қувватига ва телефон алоқасига тўланадиган ҳақ бир неча баравар ошиб кетганлиги сабабли журнал иқтисодий жамоаси 1993 йилги сарф-ҳаражатларини ҳисобга олиб, журналнинг обуна баҳосини оширишига, бир нуска ҳисобини баҳосини 3 сўм эмас, 8 сўм қилиб белгилашга мажбур бўлди. Бизнинг ақволимизни тушунасиз, деб ишонамиз. Ахир ҳозир 3 сўмга уч қўти тугутур ҳам харид қилиб бўлмайди, журнални унингизга етказиб бериш учун сарфланадиган йўл ҳаражатларининг ўзи уч сўмга етиб қолади.

Олтидан очко жамғарган спорт усталлигига Нормозлар — тошкентлик Ирода Қанонова билан бухоролик Ольга Ким иккинчи-учинчи, бештадан очко олган Р. Мамедова билан А. Хегай тўртинчи-бешинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар. Ўзбекистон республикаси шахмат федерацияси уларни пул мукофоти билан тақдирлади. Уч ролига республика Давлат спорт комитети дипломлари тоширилади.

Ўйинларнинг сифати чакки эмаслиги келгусидаги муваффақиятларга умид бағишлайди.

лиму тажриба бунинг учун намлик қилди. Мустақкам асаб ҳам керак. Ольга Парфеновада ҳаммасидан бор. Шундай қилиб, жаҳон шахмат биринчилигининг шу йил март ойида Муғулистон пойтахтида ўтказилган зона турнирига берилган ҳозирча ягона йўлнамга О. Парфеновага теги.

Олтидан очко жамғарган спорт усталлигига Нормозлар — тошкентлик Ирода Қанонова билан бухоролик Ольга Ким иккинчи-учинчи, бештадан очко олган Р. Мамедова билан А. Хегай тўртинчи-бешинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар. Ўзбекистон республикаси шахмат федерацияси уларни пул мукофоти билан тақдирлади. Уч ролига республика Давлат спорт комитети дипломлари тоширилади.

Ўйинларнинг сифати чакки эмаслиги келгусидаги муваффақиятларга умид бағишлайди.

«МАЛИКА» БЎЛИШГА ИНТИЛИБ

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳозирги замон шахматининг салафи — шатранж ватанларидан бири эканлигини кўпчилик тан олиб қолган эди-ю, аммо илгор вакилларимиз катта йўлга чиқолмай келардилар. Истиқлол тўғрисида бу йўл ҳам очилди. Дастлабки қадамимиз шахмат оламининг лол қолдириди: 1992 йили Филиппинда ўтказилган жаҳон олимпиадасида терма жамоамиз 112 мамлакат вакиллари орасида иккинчи совриндор бўлиб қайтидилар. Афсуслики, у ердаги аёллар мусобақасига вакилларимизни юбора олмаган эдик. Мана, энди уларга жаҳон шахсий биринчилиги учун курашиш йўллари очилди.

Республика марказий шахмат клубида жаҳон биринчилигининг минтақа турнирида қатнашиш ҳуқуқини

берувчи саралаш мусобақаси якунини топти. Федерациямиз тасдиқлаган Низоомга кўра у ўзаро баҳс юритиш учун республика мизининг ўн нафар энг кучли хотин-қиз шахматчиларини тақлиф этди. Яқунловчи тўққизинчи учрашувлар олдидан спорт усталлигига номзодлар — тошкентлик Ольга Парфёнова 8 июль-январдан 6, наманганлик Анжела Хегай эса 5 очкога эга ҳолда ўзаро «жангга» киришди. Йиқиласи ҳам 16 ёшда, 11-синф ўқувчилари. Анжела рўқин бир филга алмаштириб, қора шох томон интилди. Лекин химояланганининг фаол услубини оғишмай ишга солган Ольга пировард натижада оқ фарзони яқин тарзда «қопқонга» илтириди. 38-юришда Хегай таслим бўлди.

Ҳамма ҳам ғалабага интилади, аммо биргина би-

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЭЗАДИЛАР

«БОҒИ ТУРКОН» КОРХОНАЛАРИ

Кейинги йилларда Ромитан районидagi «Боғи туркун» давлат хўжалиги ҳузурида 20 та янги корхона ташкил этилди. Шу тўғрисида 200 га яқин киши иш билан таъминланди.

Боғи туркунлик хунармандлар тейёрлаётган дурдоголик, темирчилик, тунукасозлик маҳсулотлари нисбатан арзон ва пишиқлиги билан романтик харидорларга манзур бўлапти.

КИРЙОЙ ШУНДАЙ БЎЛСА

Бухоро ўйсозлик комбинати биноқорлари шаҳарнинг 5-мавзёда қурган болалар боччасига ҳавас қилса арзийди. 280 болаларни ўз кучига олган даргоҳда кино зал, сузиш

ҳаваси, гимнастика зали, мураббий ва ота-оналар учун шинамагина кутубхона бор.

Мураббийлар ташкил қилган табиат бурчагида кушлар сайрамоқда, акаваримда болалар сузаяпти, маҳаллий дорининослар ёрдами билан боғчада футбол ҳам ташкил қилинди.

НУСРАТИЛЛО НАИМОВ.

МАРҲАМАТДА МАКАРОН ЦЕХИ

Марҳамат райони но-

ни, бўлкаси бутун вилоятда оғизга тушган. Янги йилдан бошлаб районда макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Божхона ходимлари томонидан ушланган 60 қоп уни макарон цехига бердик, — дейди район ҳокими Фозилжон Мамқов, — макарон тейёрлашнинг йўлга қўйилиши район шароитида катта воқеа.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ҲЎҚИСИЗ:

- Қашқадарё: божхона қонунсизлик йўлини тўсди.
- Хосият Бобомуродова ижодхонасида.
- Жаҳон чарм қўлқоп усталари Тошкентга келишди.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

● РЕДАКЦИЯЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-14. Иجتимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16; Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16; 31-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83; 32-53-06. Ахборот — тижорат хизмати — 32-54-14. Қабулхона — 32-55-15.

● 93 МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчада — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-04, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04, Вилоят бўйича 32-26-70. Навбатчи муҳаррир: С. СИРОЖИДИНОВ.




ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! БАРЧА КОРХОНАЛАР ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

- «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси
- 1. Шиша саноатида
- чекланмаган миқдорда кварц қумларини сотиб
- 2. Қуймачилик ишлаб чиқаришда
- олишни таклиф этади. Бу кварц қумлари таркибид
- 3. Пляжларни ва болалар майдончаларини тўл
- моддалар бор:
- диришда
- 1. Кремний оксиди 80—80% дан кам эмас
- 4. Ювувчи нарсаларни ишлаб чиқаришда қўши
- 2. Алюминий оксиди 5,3% дан кам эмас
- лади.
- 3. Темир оксиди 0,8% дан кам эмас
- Нархи келишилган ҳолда бўлади. Олиб чиқиб
- Фракциялар бўйича гранулометриқ состави:
- кейтиш автомобиль ёки темир йўл транспорти орқа
- 0,14 мм — 65% қолган қисми 5 мм, кучсиз таъсир
- ли амалга оширилади.
- остида тез бузиладиган (емириладиган).

БАРЧА ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ВА ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Барча жамоа ва давлат хўжалиги, қишлоқ хўжалик корхоналари ва пахта тозалаш заводлари раҳбарлари диққатига



1. ЧИГИТЛИ ПАХТА НАМУНАЛАРИНИ МАЙДА ВА ЙИРИК ХАС-ЧЎПДАН ТОЗАЛАШ УЧУН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ЛКМ-2 ЛАБОРАТОРИЯ АСБОБИ

Бу асбоб пахта тайёрлаш пунктларининг лабораторияларида ва пахта тозалаш заводларида чигитли пахта намуналарини майда ва йирик хас-чўпдан тозалаш учун ва шу пахтанинг ифлосланган даражасини аниқлаш учун қўлланилади.

ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИ	
Пахта намунасининг вази, г. ҳисобида	300±0,1
Намлик кўпиди	12
Машина орқали йирилган пахта намунасини тозалаш даражаси, камиди:	
тозаланмаган биринчи ва иккинчи навли пахта учун	99,5
кўпиди 10 фозгача хас-чўп билан ифлосланган учинчи навли пахта учун	98,5
Энг катта ташқи ўлчамлари мм. ҳисобида	82x715x1200
Вази, кг. ҳисобида кўпиди	330

ЖИН ДЛ — 10. ЧИГИТДАН ПАХТА ТОЛАСИНИ АЖРАТАДИГАН ЛАБОРАТОРИЯ МАШИНАСИ

ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИ	
Чигитли пахта намунасининг вази, г. ҳисобида	500 дан 1000 гача
толанинги чиқиши	тароқлаш орқали
Машинанинг энг катта ташқи ўлчамлари	— узунлиги 1640 мм. ҳисобида
	эни 726
	баландлиги 1050
Вази, кг. ҳисобида	500



Бу машина уруғчилик хўжаликларидида экишга аталган уруғларни саралаш учун, лабораторияларда чигитли пахтадан толани чиқиш миқдорини аниқлаш учун ҳамда фермер хўжаликларидида мустақил равишда чигитдаги пахта толасини ажратиш учун ишлатилади.

АЛС-1 АСБОБИ

АЛС — 1 асбоби пахта тайёрлаш пунктларининг лабораторияларида, пахта заводларида, селекция станцияларида ҳамда жамоа ва давлат хўжалиги лабораторияларида чигитли пахтанинги навини ва пахта толасининг навини ўлчаш учун қўлланилади.

ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИ	
Бир намунани текшириш давомийлиги [тайёрлов операцияси] сек. ҳисобида	50
Узилиш таранглигини ўлчаш оралиги, см ҳисобида	2 дан 5 гача
Текшириладиган намунанинг вази, грамм ҳисобида:	
чигитли пахтанинги	160
пахта толасининг	80
Энг катта ташқи ўлчамлари, мм. ҳисобида	580x780x152
Вази, кг. ҳисобида	190
АСБОБЛАР КЕЛИШИЛГАН НАРХДА СОТИЛАДИ.	
Асбобларни сотиб олиш учун талабномани қуйидаги манзилгоқ бўйича юборинг: 700131, Тошкент, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, 36-уй.	
Маълумот учун телефонлар: 72-66-18, 72-32-73 тақсимлаш бўлими.	